

**АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРДА ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ
БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
БЎЙИЧА ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ**

Рустамов Жаҳонгир

Икром ўғли

*Оила ва гендер илмий-тадқиқот
институтини бўлими бошлиғи, социология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)*

Абдираимова Шахноза

Абдугаппар қизи

*Оила ва гендер илмий-тадқиқот
институтини кичик илмий ходими*

Аннотация. Ушбу мақолада аёллар ва болаларда онкологик касалликлар ва уни бартараф этиш йўллари Хитой халқ республикаси мисолида кўриб чиқилган. Хитойда барча саратон турлари учун ёшга боғлиқ касалланишининг тахминий кўрсаткичлари ва барча саратон турлари учун ёшга боғлиқ ўлим кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Шунингдек, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар. Аёллар, болалар, онкологик касалликлар, саратон, профилактика, диагностика, даволаш, профилактик скрининг, инновацион даволаш.

Аннотация. В данной статье рассмотрены онкологические заболевания у женщин и детей и пути их устранения на примере Китайской Народной Республики. В Китае были проанализированы возрастные показатели заболеваемости всеми видами рака и возрастные показатели смертности от всех видов рака. Также были разработаны выводы и предложения.

Ключевые слова. Женщины, дети, онкологические заболевания, рак, профилактика, диагностика, лечение, профилактический осмотр, инновационное лечение.

Annotation. This article examines the oncological diseases in women and children and ways to eliminate them using the example of the People's Republic of China. Estimated age-specific incidence rates for all types of cancer and age-specific mortality rates for all types of cancer in China are analyzed. Also, conclusions and suggestions are developed.

Keywords. Women, children, oncological diseases, cancer, prevention, diagnostics, treatment, preventive screening, innovative treatment.

КИРИШ. Онкологик касалликларни барвақт аниқлаш ва бартарф этиш жаҳон тиббиётининг энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Айнан мазкур жараёнда тиббий технологияларни ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириш ва скрининг дастурларини жорий қилиш муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда

репродуктив ёшдаги аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, улар ўртасида онкологик касалликларнинг олдини олиш мақсадида илғор тажрибаларни ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда Хитой тажрибаси жаҳон тиббиётида етук намуна сифатида тан олинмоқда.

Хитойда онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва даволашдаги илғор тажрибалар, инновацион технологиялардан фойдаланиш, тизимли профилактика тадбирлари ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишлар катта самара бермоқда. Мазкур тажрибаларни ўрганиш, улар асосида мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйиш Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Хитойда аёллар орасида онкологик касалликлар, айниқса кўкрак беzi саратони ва ўпка саратони, сўнгги йилларда жиддий хавотирга сабаб бўлиб келмоқда. Ушбу касалликлар нафақат Хитойда, балки бутун дунёда ҳам онкологик касалликлар орасида энг кўп учрайдиган турлардан бири ҳисобланади. Кўкрак беzi саратони, айниқса, аёлларнинг репродуктив ёшдаги гуруҳида кенг тарқалган бўлиб, бу касалликнинг эрта аниқланиши ва даволаниши заруриятини тақозо этади. Ўпка саратони эса, одатда, чекиш билан боғлиқ бўлса-да, Хитойда чекмайдиган аёллар орасида ҳам унинг кўрсаткичлари юқори эканлиги аниқланган. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлатда шу каби касалликларни олдини олиш долзарб аҳамият касб этади.


Асосий қисм. Хитойда онкологик касалликлар аҳолининг соғлиғига катта таҳдид солмоқда. Статистик манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, 2020 йилда Хитойда онкологик касалликлар билан боғлиқ 4,57 млн янги ҳолат қайд этилган бўлиб, уларнинг 2,3 млн ҳолати хотин-қизларга тегишлидир. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (WHO) томонидан тақдим этилган *Global Cancer Observatory* маълумотларига кўра, репродуктив ёшдаги аёллар орасида саратоннинг асосий турлари сут беzi саратони, бачадон бўйни саратони ва тухумдон саратонидир. Сут беzi саратони энг кўп тарқалган онкологик касаллик бўлиб, 2020 йилда тахминан **416 минг янги ҳолат** аниқланган. Шу билан бирга, бачадон бўйни саратони 110 минг янги ҳолат билан иккинчи ўринда туради ва тухумдон саратони билан боғлиқ ҳолатлар сони 55 мингни ташкил қилган.

Бу маълумотлар Хитойда репродуктив ёшдаги аёллар ўртасида онкологик касалликлар тарқалиши юқори даражада эканлигини кўрсатади, бу эса тиббий профилактика ва диагностика стратегияларини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлайди.

Шунингдек, Хитойнинг Миллий саратон маркази томонидан олинган статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда 4,8 млн нафар беморда янги саратон касаллиги аниқланган (шундан 2,5 млн эркак ва 2,3 млн аёл).

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

IV son, Mart




барча саратон турлари учун ёшга боғлиқ касалланишнинг тахминий кўрсаткичлари

1-расмдан кўриниб турганидек, саратоннинг барча турлари билан касалланиш даражаси 0-34 ёш гуруҳида нисбатан паст бўлган ва 35-39 ёш гуруҳидан кескин ошган, 80-84 ёш гуруҳида энг юқори даражага етган.

Хитойда саратон касалликларининг асосий сабабларига кўра, 2022 йилда энг кўп учрайдиган саратон ўпка саратони, ундан кейин йўғон ичак саратони, қалқонсимон без саратони, жигар саратони ва ошқозон саратони жами янги саратон ҳолатларининг 57,42% ни ташкил қилади. Аёлларда энг кўп учрайдиган саратон ўпка саратони бўлса, кўкрак саратони, қалқонсимон без саратони, йўғон ичак саратони ва бачадон бўйни саратони умумий саратон ҳолатларининг 63,8% ни ташкил қилади.

2022 йилда Хитойда саратон касаллигидан вафот этганларнинг тахминий сони 2 млн (1,6 млн эркак ва 944 минг аёл) нафарни ташкил этган.



2-расм. 2022 йилда Хитойда барча саратон турлари учун ёшга боғлиқ ўлим кўрсаткичлари.

Саратон турлари бўйича ўлим даражаси 40-44 ёш гуруҳидан кейин сезиларли даражада ошган ва 85 ёш ва ундан катта ёшдаги гуруҳда энг юқори даражага етган. 40 ёшдан кейин аҳолида ўлим кўрсаткичлари аёлларга қараганда эркакларда юқори бўлган (2-расм).

Шу билан бирга саратон касалигининг ҳудудлар бўйича тарқалиш кўрсаткичлари ва маҳаллий ўзгаришлар Хитой ҳудудларига қараб сезиларли даражада фарқ қилади. Шаҳарлар орасида **Шанхай, Пекин** ва **Жянсу** энг юқори кўрсаткичларга эга ҳудудлар ҳисобланади. Бу ерларда тиббий хизматларга яқинлик, онкологик диагностика усуллариининг ривожланганлиги ва аҳолининг тиббий билимлари юқори бўлганлиги сабабли саратони эрта босқичларда аниқланади. Масалан, Шанхайда ўтказилган тадқиқотларда, сут бези саратони билан боғлиқ ҳолатларнинг 60% дан ортиғи эрта босқичда қайд этилган. Қишлоқ ҳудудларда эса бу кўрсаткич анча паст бўлиб, 2020 йилда сут бези саратони бўйича аниқлаш даражаси **30-35%** ни ташкил этган. Бунинг сабаби тиббий хизматларга чекланган имкониятлар, онкологик скрининг дастурларининг етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва профилактика ишларининг паст даражада эканлиги билан боғлиқдир. Қишлоқ ҳудудларида саратон ҳолатларини кеч аниқлаш кўп ҳолларда беморнинг даволаш имкониятларини чегаралаб қўяди ва умумий прогнозни ёмонлаштиради. Бу муаммони ҳал қилиш учун тиббий хизматларни ҳудудлар бўйича тенг тақсимлаш ва қишлоқ аҳолисининг тиббий хабардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриш зарур.

Болалар саратони. Дунё бўйича Хитой энг кўп болалар сонига эга. Болалар ўлимининг энг асосий сабаби саратондир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Саратон тадқиқотлари бўйича халқаро агентлиги маълумотларига кўра, Хитойда 2020 йилда 0-14 ёшли болалар ва 15-19 ёшли ўсмирлар ўртасида саратон ҳолатлари мос равишда 92 минг ва 27 минг тани ташкил этган, бу бутун дунё бўйлаб тарқалган болалар саратони ҳолатларининг 14 фоизини ташкил этади. Ғарб мамлакатларига ўхшаб, Хитойлик болалар ва ўсмирлар орасида энг кўп учрайдиган саратон турлари лейкомия, мия, лимфома, буйрак ва жигар саратонидир.⁵⁰

Шунингдек, болалар ўртасида онкологик касалликлар орасида энг кенг тарқалган турлардан бири **оқ қон касаллиги (лейкемия)** бўлиб, умумий онкологик ҳолатларнинг тахминан **30-35%** ни ташкил этади. Бу касаллик болаларнинг қон ҳосил қилувчи тизимига таъсир қилади ва барвақт аниқланмаса жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Кейинги ўринда **мия шишлари**, яъни марказий асаб тизими саратонлари, 25% ҳолатларда қайд этилади. Мия шишлари болаларда асаб тизими функцияларига катта таъсир кўрсатади ва кўп ҳолларда мураккаб даволаш жараёнини

⁵⁰ <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC9741979/>

талаб қилади. Шунингдек, **нейробластома** ва **ретинобластома**, яъни кўз ва асаб тўқималари билан боғлиқ онкологик касалликлар, ёш болалар ўртасида кенг тарқалган. Нейробластома асосан 5 ёшгача бўлган болаларда қайд этилади ва асаб хужайралари ривожланишидаги бузилишлар билан боғлиқ бўлади, ретинобластома эса кўз тўр пардасига таъсир қилиб, кўриш қобилятини жиддий даражада заифлаштириши мумкин.

Хитойда ҳар йили тахминан **50 минг** болага онкологик ташхис қўйилади. Бу кўрсаткич болалар ўртасида онкологик касалликлар тарқалиши жиддий даражада эканлигини кўрсатади. Бироқ, мамлакатдаги илғор тиббиёт инфратузилмаси ва онкология соҳасидаги инновацияларнинг жорий қилиниши туфайли, 2021 йилга келиб болалар онкологияси бўйича **сурвайвал даражаси 80%** ни ташкил этган. Бу натижа жаҳон стандартлари бўйича юқори кўрсаткич ҳисобланади ва тиббий хизматларнинг самарадорлигини кўрсатади.

Хитойда аёллар ва болаларда онкологик касалликларни бартараф этиш ва профилактика қилиш бўйича амалга оширилган чоралар самарали бўлиб, уларнинг соғлиғини сақлаш, аниқ ташхис қўйиш, замонавий даволаш усулларида фойдаланиш ва огоҳлантириш соҳасида катта ютуқларга эришилмоқда. Бу тажриба бошқа давлатлар учун ҳам қимматли йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагича таклиф ва тавсиялар бериш мумкин:

- Миллий скрининг дастурлари. Аёллар ва болалар учун онкологик касалликларнинг олдини олишга қаратилган скрининг дастурларини кенгайтириш ва жорий қилиш зарур.

- Инновацион терапиялар ва даволаш усуллари. Онкология соҳасида янги даволаш усуллари жорий қилиш ва генотерапия, иммунотерапия каби усулларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

- Огоҳлантириш ва таълим бериш. Аёллар ва болалар орасида онкологик касалликлар бўйича огоҳлантириш, профилактика ва даволаш бўйича умумий билимларни ошириш учун тренинглар ва ахборот кампанияларини олиб бориш зарур.

- Ҳукумат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорлик. Онкологик касалликлар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш учун хусусий сектор ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Тиббий хизматларга киришни осонлаштириш. Халқаро тажрибаларни ҳисобга олиб, аҳолининг турли қатламлари учун тиббий хизматларга, хусусан, аёллар ва болаларга янада кенгроқ кириш имкониятини яратиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abduramanov K., Dekhkanov S. Experience of foreign countries in the prevention of early marriage and early childbirth //InterConf. – 2021.

2. Abduramanov X.X. O'zbekistonda tashkillashtirilgan migratsiya jarayonlarining tahlili. Ўзбекистон республикасини ривожлантириш стратегиясининг янги босқичида инсон омили ва манфаатлари: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2019. – 157-159.
3. Abduramanov, K. K. (2016). Evaluation of the influence demographic factors on aging population in the Republic of Uzbekistan. *Lucrările Seminarului Geografic "Dimitrie Cantemir"*, 42, 93-98.
4. Abduramanov, X. X., & Bakieva, I. A. (2018). Peculiarities of Employment of Population in Ferghana Region. *Economics and Innovative Technologies*, 2018(3), 8.
5. Abduramonov X. Ўзбекистон Республикасида янги демографик вазиятнинг шаклланиш хусусиятлари // *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*. – 2013. – №. 3. – С. 22-31.
6. Abduramonov, X. (2012). Аҳоли кексайиш даражасининг шаклланиш механизмлари ва кўрсаткичлари. *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*, (2), 299-310.
7. Рустамов Ж. ОТАЛИК ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ СИФАТИДА // *Modern Science and Research*. – 2024. – Т. 3. – №. 8. – С. 109-113.
8. Абдураманов Х. Ўзбекистон Республикасида демографик ривожланишнинг кўп омили таҳлили ва истиқбол кўрсаткичлари // *Экономика И Образование*. – 2020. – Т. 1. – №. 2. – С. 137-142.
9. Xudaybergenovich A. X., Ikrom o'g'li R. J. OLIY O 'QUV YURTI TALABALARIDA NIKOHGACHA BO 'LGAN XULQ-ATVOR VA OILA QURISHNING O 'ZIGA XOSLIGI // *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 170-176.
10. Rustamov J. I. VOYAGA YETMAGANLAR O 'RTASIDA ERTA NIKOHLARNING OLDINI OLISH BO 'YICHA XORIJ TAJRIBALARI // *Current approaches and new research in modern sciences*. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 18-26.
11. Jakhongir R. CAUSES OF EARLY MARRIAGES AND EARLY BIRTHS AND THEIR CONSEQUENCES // *Open Access Repository*. – 2023. – Т. 4. – №. 03. – С. 99-104.
12. <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC9741979/>
13. <https://www.mfa.gov.cn/eng/zy/jj/2030kcxzfzyc/202406/P020240606605159427708.pdf>
14. CHINA TSCPSRO. New government plan to speed up elimination of cervical cancer. 2023. http://english.www.gov.cn/policies/policywatch/202302/08/content_WS63e30acdc6d0a757729e681d.html
15. Zhao X-L, Hu S-Y, Hu J-W, et al. Tackling barriers to scale up human papillomavirus vaccination in China: progress and the way forward. *Infect Dis Poverty* 2023;12:86. 10.1186/s40249-023-01136-6 [DOI] [PMC free article] [PubMed] [Google Scholar]
16. <https://www.worldcancerday.org/activities/strength-unity-hong-kong-cancer-day-2024#:~:text=HKACS%20holds%20%22Hong%20Kong%20Cancer,raise%20public%20awareness%20of%20cancer.>